

## ЧОЛГУАНСАМБЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Дилнозахон Обиджановна Абдурахмонова

Фарғона давлат университети “Мусиқа ва санъат” йўналишимагистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7256697>

**Аннотация.** Ушибу мақолада мусиқа санъатидаги ансамбл жамоаларини ташкил этиши ва уларнинг фаолиятини амалга ошириши услублари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, чолгу созларини гурӯҳларга бўлиши ва уйғунликда ижро этиши жараёнидаги имкониятларидан фойдаланиши йўллари кенг ёритилган.

**Калим сўзлар:** Чолгу ансамбли, мизроб, гижжак, бўломон, дутор, доира, най, сурнай.

## НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ИНСТРУМЕНТАЛЬНЫХ АНСАМБЛЕЙ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются методы организации ансамблевых коллективов и их деятельность в музыкальном искусстве. Также широко освещены способы использования инструментов в группах и в процессе игры в гармонии.

**Ключевые слова:** Инструментальный ансамбль, мизроб, гиджак, боломон, дутор, круг, флейта, труба.

## SCIENTIFIC-THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF ORGANIZING INSTRUMENT ENSEMBLES

**Abstract.** This article discusses the methods of organizing ensemble teams and their activities in the art of music. Also, ways of using instruments in groups and in the process of playing in harmony are widely covered.

**Keywords:** Instrumental ensemble, mizrob, gjjjak, bolomon, dutor, circle, flute, trumpet.

### КИРИШ

Донишманд халқимиз азалдан куй ва ашула бирлигини ўз ижтимоий ва маданий ҳаётларининг муҳим бўлаги деб билган. Оилада фарзандни қўшиқ айтишга, соз чалишга ўргатиш ота-оналарнинг орзуси санаалган, шу ният билан хонадонда бирон чолгу соз сақланиши одат қилинган. Куй ва оҳангни бола қалбига тез йўл топа олиши, руҳига ижобий таъсир кўрсатиши, хулқ-одоби ва яхши фазилатларни шаклланиб боришида катта таъсир кучига эга бўлиши чуқур англаб етилган. Халқ чолгуларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда дастлабки мусиқа чолгулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган деб тахмин қилинади. Тарихий маълумотларга қараганда мусиқачиликда энг дастлаб урма зарбли чолгулар, кейинчалик шовқинли чолгулар (ижрочиilar қарсак билан ритмни такрорлайдилар ва шовқинли чолгулар таъсирини кучайтирадилар), вақтлар ўтиб эса аста-секин халқ усталари томонидан найсимон хунгаклар, шиқилдоқлар, сурнай ва най (қамиш ва бамбук пояларидан) каби созлар юзага кела бошлаган. Аста-секин торли-мизробли ва торли камончали мусиқа чолгулари пайдо бўлган. Тарихнинг далолат беришича Ўрта аср Шарқ маданияти қучогида шаклланган чолгу созлари (най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, гижжак, қобузлар) ўтган кўп асрлар давомида ўзларининг товуш туслари ва хусусиятларини йўқотмай бизгача етиб келган. Ўзбек халқ чолгулари ижрочилигининг шаклланиши ва ривож топиши XIX асрнинг ўрталарига тўгри келади. Шу даврдан бошлаб

кўпчиликка танила бошлаган дуторчилар, танбурчилар, доирачилар, найчилар ва сурнайчилар, рубобчи ва ғижжакчилар ижод эта бошлаганлиги, халқ ҳаётини турли жабҳаларини тараннум этувчи янги куй ва қўшиқлар пайдо бўлганлиги маълум. Бу йилларда Кўқон шахри, машхур ҷолғучилар тўпланган марказга айланган бўлиб, унда ўзбек халқ ҷолғуларида ижрочилик санъатини эгаллаш бўйича ўзига хос мактаб яратилган. Мақомлар ижросида хонандалар билан бир қаторда таркиби турлича бўлган ўзбек халқ ҷолғу ансамбллари ҳам иштирок этган. Фарғона ҷолғучилари ҳам ижрочилик маҳоратини фаол ўзлаштира бошлаганлар. Ҕолғучилар ансамблига Бухорода танбур ва доира, Хоразмда эса дутор, ғижжак, бўламон, доира ёки танбур гармон, рубоб, доира ҳам кирган. Фарғона ва Тошкент вилоятларида ҷолғучилар ансамбллари 8-10 кишидан иборат бўлган. Ансамбллар най, қўшнай, чанг, рубоб, дутор, танбур, доира ва ғижжак каби ҷолғулардан ташкил топган.

“Ансамбл” французча “энсембле” – биргаликда яъни, биргаликда ижро этиш деган маънени билдиради. Тарихнинг далолат беришича XIX асрнинг охирига келиб ансамбллар бирмунча ривожланди, уларнинг асосий турлари шаклланди, ансамбллар таркибига янги ҷолғулар киритилган, ҷолғулар товушларини янада ёқимли қилиш, диапазонларини кенгайтириш ва ижро имкониятларини такомиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилган.

Ҕолғу асбоблари – мусиқий тон ёки ўзига хос жарангдортовушлар ҳамда маълум ритмик тузилмаларни ҳосил этишга мўлжалланганҷолғу асбоблар; мусиқани якканавоз ёки жамоа (турли ансамбл, оркестр вабошқа турли гуруҳлар) тарзда ижро этишда ишлатилади. Ҳар бир Мусиқа ҷолғу асбобларининг садоси ўзига хос тембр, маълумдиапазотм товушқатор ва ифодавий имкониятларга эга. Мусиқа ҷолғуасбоблари садосининг сифати, кўпинча, муайян ҷолғу асбобининг шакли, умумий тузилиши, қурилмаси ва уни тайёрлашда ишлатилган материалгабоғлиқ. Мусиқа ҷолғу асбоблари қадимдан қамиш, бамбуқ, ёғоч, тош, суяқ, металл, тери, ипак, кокос ёнғоғи, қовоқ ва шу кабилардан тайёрланган.

Садоланиш хусусиятини қўшимча воситалар, ижрочилик услублари, масалан, торли созларни тирнаб-чертиб чалиш, флажолет ва шу каби турли услублардан фойдаланиш мумкин. Баъзи мусика безаклари ёрдамида ўзгартириш мумкин. Пайдо бўлиши инсоният тарихининг илк даврларигатўғри келади; мукаммалланиши эса мусиқа санъати ва ижрочиликнинг ривожланиши ҳамда Мусиқа ҷолғу асбобларининг ривожланиши техника тараққиёти билан ҳам боғлиқ.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мусиқа ҷолғу асбоблари товуш манбаларига қараб гурухдарга, ижрочилик услуби (ёки ишлатилган механизми)га қараб гурухчаларга, ўзигахос қўшимча белгиларига қараб хилларга бўлинади.

Мусиқа ҷолғу асбоблари, асосан, торли (хордофонлар), пуфлабчалинадиган (аэрофонлар), тери қопламали (мембранофонлар), тилчали (гемидиофонлар), пластинкали, ва электрон мусиқа ҷолғулари гурухларига бўлинади.

“Торли ҷолғу асбобларнинг гурухчалари: камонли созлар (скрипка, альт, виолончель, контрабас, виола, ўзбек со-зларидан ғижжак, қўбиз, сато вабошқалар);

Чертиб чалинадиган созлар (арфа, гусли, цитра, гитара, домра, балалайка, дутор, танбур, рубоб, сетор, дўмбира ва бошқа;

Уриб чалинадиган торли созлар (чанг, цимбали ва бошқалар;

Клавишили уриб чалинадиган созлар (клавикорд, фортепиано, рояль);

Клавишили чертиб чалинадиган созлар (клавесин ва унинг турлари).

Пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларнинг гурухчалари: тилчали созлар (сурнай, күшнай, бўламон, шохнай, кларнет, гобой ва б.), тилчасиз созлар (найлар, флейталар), мундштукли созлар (труба, валторна, туба, карнай ва б.), пневматик клавишили созлар (орган ва унинг турлари)".

Тилчали чолғу асбобларнинг бўлинмалари: пневматик клавишили созлар (фисгармония, баян, аккордеон ва б.), чертиб чалинадиган созлар (чангкўбиз ва унинг турлари), уриб чалинадиган созлар (флексатонлар). Тери қопламали уриб чалинадиган чолғу асбобларнинг гурухчалари: созланадиган (литавралар), созланмайдиган (нофора, дойра, барабан, тамбурин ва б.) чолғу асбоблар. Пластиналари чолғу асбобларнинг гурухчалари: уриб чалинадиган резонаторсиз созлар (ксилофонлар ва б.), уриб чалинадиган резонаторли созлар (овоз берадиган пластиналари остида маълум ҳажмдаги резонаторлар — трубкалар, бўш идишлар ўрнатилган металлофон, маримба, вибрафон ва б.), клавишили уриб чалинадиган созлар (челеста). Идиофонларнинг гурухчалари: созланадиган (оркестр колоколи, кўнгироқчалар, гонг ва б.), созланмайдиган (тарелкалар, тамтам, маракас, қайроқ, қошиқ, сафоил, ликоп, патнис, мис лаган, занг ва б.) чолғу асбоблар.

Мусиқа чолғу асбоблари баъзида халқ ва профессионал (оркестр) турларга ҳам бўлинади. Оркестр чолғулари композитор томонидан яратилган, темперацияли товушқаторга асосланган кўп овозли мусиқа асарлари ижросига мослаштирилган. Халқ чолғулари эса маълум миллат (элат) монодик мусиқа ижроси учун қўлланилади ва мусиқий товуш қуроли бўлиш билан бирга, моддий маданият маҳсули ҳамдир. Муқаммал шаклида халқ бадиий тафаккури, нафосат тасав-вурлари, рамзий маънолар акс этган. Чолғулар халқ ҳаётида соф эстетик вазифа бажаришдан ташқари шаман, бахшилар, афсунгарлар руҳиятга таъсир ўтказишида, ҳарбийлар, чўпонлар, дехқонлар томонидан бошқарувчи, қўрқитувчи, чорловчи товуш қуроли сифатида фойдаланиб келинган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида халқ мусиқачилари орасида устозшогирдлик анъаналарининг ривож топиши, иқтидорли ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларга мусиқа илмини ўргатиш натижасида Ўзбекистонда кўплаб моҳир созандалар етишиб чиққанлиги маълум. Жумладан, Бухоро ва Самарқандда Ота Фиёс Фаниев, Ота Жалол Носиров, Лев Бобохонов, Ҳожи Абдураҳмон Умаров каби танбурчилар, Қори Каромат, Ҳожи Абдулазиз Абдурасолов каби дуторчилар, Фарғона ва Тошкентда доирачи Уста Олим Комилов, ногорачи Юсуф қизик Шакаржонов, қўшнайчилар Аҳмаджон Умрзоқов, Хайрулла Убайдуллаев, танбурчи Кўзижон Мадраҳимов, дуторчи Абдусоат Ваҳобов, найчи Абдуқодир Исмоилов, Хоразмда эса, танбурчилар Матпано ота Худойберганов, Матёкуб Ҳарратов, Қурбон Назар Абдуллаев (Бола-Бахши), Мадраҳим Ёқубов (Шерози)лар шинавандалар орасида машхур бўлганлар<sup>1</sup>. Ўзбекистонда биринчи бор

<sup>1</sup>Ш.Умаров. Мусиқа чолғуларини ўрганиш. Тошкент 2018. 7-бет.

давлат тасарруфидаги ансамблнинг ташкил этилиши Муҳиддин Қори Ёқубов номи билан боғлиқ. Унинг ташкилотчилиги ва бевосита раҳбарлигига 1926 йил ўзбек мусиқа маданияти тарихида илк бор 21 ижроидан иборат давлат ва сайёр концерт-этнографик труппаси ташкил этилди<sup>2</sup>. Мазкур ансамблга Фарғона водийсининг ўша даврда машхур бўлган уста чолғучилари, хонандалари, раққос ва раққосалари ишга таклиф этилган. Чолғучилар тарқиби ансамблнинг энг нуфузли қисми бўлиб, ижодий жамоанинг ўзагини ташкил қиласи эди. Ансамбл Юсуфжон қизиқ Шакаржонов (ногора, раҳбар), Уста Олим Комилов (дойра), Тўхтасин Жалилов (гижжак), Аҳмаджон Умрзоқов (қўшнай), Абдуқодир Исмоилов (най), Ота Хўжа Сайдазимов (дутор), Хайит-охун (танбур), Мухитдин Ҳожи (танбур), Мамат бобо (доира), Худойберди (сурнай), Мадамижон Исҳоқов (бўламон) каби машхур созандалардан ташкил топган эди. Бундай мусиқий-этнографик ансамблнинг ташкил бўлиши, унинг муваффақиятли концертлари ва кенг жамоатчилик орасида, оддий халқ ичida ҳурмат қозониши Ўзбекистонда миллий мусиқа санъатини чинакам ривожига катта туртки бўлди. “Таниқли созанда ва хонанда Юнус Ражабий 1927 йили Ўзбекистон радио қўмитаси қошида 12 чолғучидан иборат халқ чолғулари миллий ансамбли ташкил этади”<sup>3</sup>. Бу ансамблга Тошкентдаги ўша даврнинг машхур мусиқачилари-қўшнайчи Хайрула Убайдуллаев, дуторчилар Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар Рихси Ражабов, Мақсадхўжа Юсупов, гижжакчилар Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, Махмуд Юнусов, найчилар Дадали Соатқулов, Саид Калонов, чангчилар Нигматжон Дўстмуҳаммедов, Фахриддин Содиков, Маматжон Расулов, доирачи Дадаҳўжа Соттиевлар жалб этилган эдилар. Ансамбл репертуарида ўзбек халқ куйлари билан бир қаторда замонавий бастакорларнинг, жумладан Ю.Ражабийнинг «Чоргоҳ», «Кўчабоғи», «Баёт», «Бирлашингиз», «Илгор», «Мирзадавлат» каби асарлари бор эди. Кейинчалик бу ансамблда республиканинг машхур хонандалари, тошкентлик мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, бухоролик Домла Ҳалим Ибодов, самарқандлик Ҳожи Абдураҳмон Умаров, хоразмлик Матёқуб Ҳарратов, Сафо Муғанний, тошкентлик Назира Аҳмедова каби таниқли санъаткорлар ишлаган.

## МУҲОКАМА

Йиллар давомида ансамблъ ўсди, ижроилик репертуари бойиди, халқ эътиборини қозонди. Тез фурсатда ансамблъ Ўзбекистоннинг энг яхши мусиқий жамоалари сафидан ўрин олганлиги мусиқа шинавандаларига яхши маълум. 1936 йили ташкил топган Ўзбек давлат филармонияси (директори Муҳиддин Қори Ёқубов, мусиқа раҳбари Тўхтасин Жалилов) қошида 98 ижроидан иборат «Этнографик унисон ансамбли», 30 ижроидан иборат дуторчи қизлар ансамбллари тузилади. Ансамблда кўплаб моҳир созандалар, санъат усталари фаолият қўрсатадилар, жамоанинг кўп йиллик ижодий фаолияти эса ўзбек мусиқа санъатини янада ривожланишига, уни кенг кўламда тарғиб қилинишига самарали хизмат қиласи. 1939 йилда эса найчи А.Исмоилов, А.Умрзоқов ва чангчи Ф.Содиковлар Москвадв ўтказилган халқ чолғулари ижроичилари Бутуниттифоқ кўригига 2- даражали диплом билан тақдирланганлар. Шундан кейинги йилларда Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси қошида кўплаб профессионал мусиқа жамоалари, вилоят ва туманларда, мактаблар, ўқув юртлар ва маданият ўйларида ўнлаб, юзлаб чолғучилар

<sup>2</sup>С.Азизбоев. Анъанавий чолгу ансамбли. Мусиқа нашриёти. Тошкент 2009 йил. 6-бет.

<sup>3</sup>Н.Усмонова. “Мусиқа фидоийсини хотирлаб” мақолосидан. Манзил: <https://uza.uz/posts/232661>

ансамбллари ташкил этилди ва бугунда фаолият юритиб келмоқда. Улар: Ўзбек телерадио компанияси қошида Ю.Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли (раҳбари Абдухошим Исмоилов), М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс ансамбли (раҳбари Маъмур Эргашева), филармония қошидаги «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли (раҳбари Қодир Мўминов), «Тановар» ансамбли (раҳбари Юлдуз Исламова), «Лазги» ашула ва рақс ансамбли (раҳбари Раҳматжон Қурбонов), болалар «Булбулча» ансамбли (раҳбари Шермат Ёрматов), Авиасозлар маданият саройи қошидаги «Парвоз» ансамбли (раҳбари Шарип Жанайдаров), Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Қалдирғоч» ансамбли (раҳбари Шермат Файзуллаев), Қорақалпоғистон филармонияси қошидаги «Айқулош» ансамбли, Бухоро вилоятидан «Зарафшон» ансамбли каби кўплаб ижодий жамоалар шулар жумласидандир.

## ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг мустақиллиги санъатни, жумладан мусиқа санъатини янада эркин ва кенг ривожланиши учун, миллий мусиқий қадриятларимизни тиклаш учун барча имкониятларни яратиб берди. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири ансамбл машғулотлари жараёнида санъат сирларини янада чукур ўрганиш, ижрочилик маҳоратини пухта эгаллаш ва айни пайтда санъат орқали ўқувчи ёшларнинг дунёқарашлари ва маънавиятларини ўстириш, улар онгига миллий истиқлол гоясини шакллантириш, ўз ватанини севувчи, унинг равнақи учун астойдил хизмат қилувчи кишилар қилиб тарбиялаш сир-асрорларини пухта ўзлаштиришдан иборатdir.

## REFERENCES

1. И.Акбаров. Мусиқа лугати. Тошкент 1986 йил. 7-бет.
2. Ш.Умаров. Мусиқа чолғуларини ўрганиш. Тошкент 2018. 9-бет.
3. Ш.Умаров. Мусиқа чолғуларини ўрганиш. Тошкент 2018. 7-бет.
4. С.Азизбоев. Анъанавий чолғу ансамбли. Мусиқа нашриёти. Тошкент 2009 йил. 6-бет.
5. Н.Усмонова. “Мусиқа фидоийсини хотирлаб” мақоласидан. Манзил: <https://uza.uz/posts/232661>
6. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbanova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
7. Karimov (2022). O'ZBEK MUMTOZ MUSIQASINING UMUMNAZARIY ASOSLARI. Science and innovation, 1 (C6), 317-322. doi: 10.5281/zenodo.7197976
8. I Rustamov, Ahmadjon Nurmuhamedjanov, & Ismoiljon Rustamov (2022). YOSHLARNING IJTIMOIY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. Science and innovation, 1 (C2), 48-50. doi: 10.5281/zenodo.657842
9. Rustamov (2022). DOYRA CHOLG'USIDA IJROCHILIK MAHORATINI OSHIRISHDA QO'LLANILADIGAN MASHQLAR MOHIYATI. Science and innovation, 1 (B6), 456-460. doi: 10.5281/zenodo.7164885
10. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 74-77
11. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. Scientific progress, 3 (2), 841-845.

12. Исақов Улугбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
13. Исақов Улугбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
14. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 1 (1), 196-199.
15. D. Murodova (2022). ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРДА БАДИЙ-ЭСТЕТИК БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (B6), 702-707. doi: 10.5281/zenodo.7187917
16. Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
17. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
18. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.
19. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.
20. Nurmuhhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
21. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
22. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
23. Nasretdinova, M., Isakov, U. B., & Orziboyev, R. (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Scientific progress*, 3(2), 851-856.
24. M. Nasritdinova (2022). ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАР БАДИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (B6), 950-955. doi: 10.5281/zenodo.7195710
25. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
26. Мадина Насритдинова (2022). МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ.  
Science and innovation, 1 (1), 538-549.

27. Jo'Rayev Xamidjon, & Madina Nasritdinova (2022). DOIRA CHOLG'USIDA IJRO MAHORATINI YUKSALTIRISH (BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI MISOLIDA). Science and innovation, 1 (C2), 26-28. doi: 10.5281/zenodo.663646
28. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
29. SultonaliMannopov, AbdulhayKarimov, AbdusalomSoliev, UlugbekIsakov, TokhirShokirov, RustamOrziboev. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845 – . Retrieved from <https://www.annualsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3280>
30. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиковна (2022). ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Science and innovation, 1 (1), 892-903. doi: 10.5281/zenodo.653977
31. Rahmonov, U., Ergashev, A., Nazhmetdinova, M., & Usmonova, S. (2021, November). IN THE FORMATION OF THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. In *Archive of Conferences* (pp. 36-39).
32. Ulugbek Rahmonov Karimovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodikovna, & Ergashev Alijon Abdullaevich. (2021). The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 47–49. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/257>
33. Najmetdinova, M., & Odinahon, S. (2021, October). HISTORY OF TRADITIONAL PERFORMING ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 89-91).
34. Нажметдинова, М. (2022). Общественно-культурные мероприятия теоретические основы. *Общество и инновации*, 3(3/S), 473–479. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp473-479>
35. M. Najmetdinova (2022). ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ. Science and innovation, 1 (B6), 282-287. doi: 10.5281/zenodo.7140354
36. Sharipova Odinakhon Shavkatjon Kizi, & Najmetdinova Maluda Mamasodikovna (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР. *Oriental Art and Culture*, 3 (1), 585-588.
37. Аскарова, М., Намозова, Д., Мадаминов, Н., & Алихонова, Д. (2020). PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 402-407.
38. Nomozova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF TEACHING VOCABULARY IN STAGES. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
39. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. *Scientific progress*, 2(2), 1313-1315.

40. Namozova Dilorom, & Astanova Zumradxon Tohirovna (2022). BRAYL NOTA TIZIMINING MUSIQA TA'LIMIDAGI ILK QADAMLARI. Science and innovation, 1 (C2), 36-38. doi: 10.5281/zenodo.656980
41. Omadjon Rakhimov Nurmuhammadovich, Jamoldin Muydinov Sharobidinovich, Mahmudov Ismoiljon Isroilovich, & Usmanova Shoxista Shavkat qizi. (2022). UZBEK MUSIC HISTORICAL THE ROLE OF FOLKLORE CREATION IN DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10 (3), 557-559. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/1520>
42. Диlobар Жўрабоева (2022). ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИКПСИХОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ. Science and innovation, 1 (C3), 19-23. doi: 10.5281/zenodo.6655382